

Ўзбекистон овози


Кундалик ижтимоий-сиёсий рўзнома

РЎЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 196 (21. 063) 1991 йил 9 октябрь, чоршанба

Йилига 256 марта чиқади.

Баҳоси 8 тишин.



Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси таъсис қурултойини чақириш Ташкилот комитетининг қарори

1991 йил 4 октябрь

Ўзбекистон халқ-демократик партиясининг таъсис қурултойини чақириш тўғрисида

1. Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг таъсис қурултойи 1991 йил 1 ноябрда Тошкент шаҳрида чақирилсин. Кун тартибига куйидаги масалалар киритилсин: — Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясини тузиш ҳамда унинг ташкилотлари вазиёлари ҳақида; — Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси Дастури тўғрисида; — Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг Низоми ҳақида; — Партия Раисини сайлаш тўғрисида; — Партия Марказий Кенгашини сайлаш; — Партия Марказий тафтиш комиссиясини сайлаш.
2. Қурултойга вакиллар меъёри Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлари ва Тошкент шаҳар партия ташкилотларини 100 делегат қилиб белгилансин.
3. Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг қурултойига тайёрларлик кўрувчи Қорақалпоғистон Республикаси, республика вилоятлари ва Тошкент шаҳри муваққат комитетлари тасдиқлансин. Уларга шаҳарлар, районлар, кўрғонлар ва қишлоқларда бир ҳафта муддатда муваққат комитетларни тузиш ва тасдиқлаш, истижодат жойларида партия ташкилотларини тузиш тўғрисида фаол ташкилий ва сиёсий ишлари башлаб юбориш топширилсин.
4. Муваққат комитетларга:

— Шу йил 25 октябргача Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси аъзоларини рўйхатга олиш, айни бир вақтда худудий ёки ишлаб чиқариш партия ташкилотларига бирлаштириш истагини билдирган камидан 5 та партия аъзоси мавжуд бўлган тақдирда уларни бошланғич ташкилот сифатида рўйхатга олиш;

— Шу йил 25 октябргача Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси Дастури ва Устав лойиҳаларини йилнинг охирида ва конференцияларда муҳокама қилиш, партия таъсис қурултойига шаҳар, район, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят партия конференцияларига делегатлар сайлашни ўтказиш топширилсин.

Мақсуд ҳужжатларни муҳокама қилиш чоғида айtilган барча мулоҳазалар ва таклифлар сира кечиктирилмай ташкилот комитетига тақдим этилсин.

5. Ташкилот комитетининг жойлардаги муваққат комитетларини аъзоларга таъсис қурултойини тайёрлаш, аҳоли истижодат жойларида, меҳнат жамоаларида (бу иш қонунига зид бўлмаган жойларда), оммавий-ахборот воситаларида Халқ-Демократик партияси Дастури ва Низом лойиҳаларининг муҳокамасини ўтказиш топширилсин.

Ташкилот комитетининг раиси **И. КАРИМОВ.**



Ҳамкорликни ривожлантириш ҳақидаги ҳужжатни имзолаш. Р. ЖУМАНИЗОВ олган сурат. (ЎзТАГ).

ТОШКЕНТДАГИ УЧРАШУВ

Мамлакат Президенти ҳужжатни имзолаш чоғида Президент И. А. Каримов билан А. А. Собчак ўзaro муоамалар муҳокама қилинди.

И. А. Каримов билан А. Собчак ўзaro муоамалар муҳокама қилиш чоғида Тошкентда бўлишди. Тошкент аэропортида уларни Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов, Ўзбекистон Республикаси вице-президенти Ш. Р. Мирсайдов, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг президенти М. С. Салохитдинов, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Шу кун Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов Санкт-Петербург мэри А. А. Собчак билан суҳбатлашди.

Музокаралар чоғида мамлакатдаги ва Ўзбекистондаги аҳоли, савдо-иқтисодий ва маданий ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисидаги жуда кўп масалалар муҳокама қилинди.

И. А. Каримов билан А. Собчак ўзaro муоамалар муҳокама қилиш чоғида Тошкент аэропортида уларни Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов, Ўзбекистон Республикаси вице-президенти Ш. Р. Мирсайдов, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг президенти М. С. Салохитдинов, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Шу кун Президент И. А. Каримов Санкт-Петербург мэри А. А. Собчак билан суҳбатлашди. Музокаралар чоғида мамлакатдаги ва Ўзбекистондаги аҳоли, савдо-иқтисодий ва маданий ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисидаги жуда кўп масалалар муҳокама қилинди.

И. А. Каримов билан А. Собчак ўзaro муоамалар муҳокама қилиш чоғида Тошкент аэропортида уларни Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов, Ўзбекистон Республикаси вице-президенти Ш. Р. Мирсайдов, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг президенти М. С. Салохитдинов, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Ўзбекистон халқ-демократик партиясининг таъсис қурултойини тайёрлаш ишчи гуруҳи

Абдураимов Ҳ. М. — гуруҳ раҳбари, Тошкент шаҳар партия комитетининг котиби.

ГУРУҲ АЪЗОЛАРИ:

Абдуллаев Ж. А. — Тошкент алоқа электр техника олий таълимгоҳининг ректори

Абдуллаева М. С. — Бухоро шаҳар партия комитетининг иккинчи котиби

Абдуразақов У. А. — Ўзбекистон Республикаси матбуот давлат комитетининг раиси

Азимова А. М. — Жиззах область партия ташкилот нозират комиссиясининг раиси

Алесиш И. П. — партия Марказий нозират комиссияси раисининг биринчи ўринбосари

Асанов А. — Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳар Кенгашининг раиси

Азъмжўаев А. А. — Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ёшлар масалалари билан шуғулланувчи комитет раиси

Бобоев А. — Сирдарё область Гулистон шаҳри 2535-автомобилларнинг ҳайдовчиси

Ельшов М. Л. — партия Марказий Комитети бўлим мудирининг ўринбосари

Икромов М. — Тошкент область Урта Чирчиқ район Кенгашининг раиси

Машарипов ў. Р. — Хоразм область Хонқа районидagi А. Навоий номи колхоз бошқаруви раиси

Парвез Г. С. — Самарқанддаги «Кина» заводи директорининг ўринбосари.

Расулов М. М. — Наманган область партия комитетининг иккинчи котиби.

Рўзиев Р. — Қашқадарё область «Каршистрой» трестининг монтажчилар бригадаси бошлиғи

Саидов А. Х. — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясини фалсафа ва ҳуқуқ илмгоҳининг директори.

Хўжаев М. — Фарғона шаҳар халқ таълими бўлимининг мудири

Чекмарев В. А. — Тошкент шаҳар Ленин район Кенгашининг раиси

Шарофиддинов О. — В. И. Ленин номи Тошкент давлат дорилфунуни ўзбек филологияси факультетининг профессори

Юсуфов М. — Андижон область партия комитетининг котиби

Ҳайитбоев Э. Қ. — ЎзТАГ директори

Қолбоев М. П. — Сурхондарё область Термиз шаҳар Кенгашининг раиси

Ҳошимов ў. — «Шарқ юлдузи» журналнинг бош муҳаррири

Гуруҳ манзилгоҳи: Тошкент ш. Ўзбекистон проспекти, 9. Қабулхона телефони: 33-49-49.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Санкт-Петербург шаҳри мэрияси ўртасидаги музокаралар тўғрисида

БАЁНОТ

1991 йил 7 октябр кун Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Санкт-Петербург шаҳри мэрияси ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. Музокараларда Президент И. Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси делегацияси ва мэр А. Собчак бошчилигидаги Санкт-Петербург шаҳри мэрияси делегацияси иштирок этишди.

Музокараларнинг асосий мақсади — Ўзбекистон Республикаси билан эркин фаоллаш кўрсатиш минтақаси мақомига эга бўлган Санкт-Петербург ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришдир.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Санкт-Петербург шаҳри мэрияси шунга келишиб олдиларки, ҳамкорлик ҳар икки томоннинг дўстона, ҳушнингчилик муносабатларига айлантиришга амал қилган ҳолда ҳамда оқилона мақсадга мувофиқликдан келиб чиқиб, тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро фойда негизига қурилсин.

Музокаралар давомида шу нарса эътироф этилдики, савдо-иқтисодий муносабатларга куйидаги принциплар асос қилиб олинад:

Ҳужжатлар алоқалар узилишининг олдини олиш, ижтимоий кескинликка йўл қўймаслик мақсадида ишлаб чиқариш-техника мақсадларидаги маҳсулотларни, халқ ис-

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **И. КАРИМОВ.** Санкт-Петербург шаҳри мэри **А. СОБЧАК.**

Тошкент шаҳри, 1991 йил 7 октябрь.

ҲАР БИР ХОНАДОНДА ТИНЧЛИК ВА ХОТИРЖАМЛИК БЎЛСИН!

ТОШКЕНТДАГИ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ОЛИЙ ТАЪЛИМГОҲИ ЖАМОАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТКАШЛАРИГА

МУРОЖААТИ

АН ЗИЗ юртдошлар — ўзбеклар ва руслар, қорақалпоқлар, қозоқлар ва туркманлар, тоjikлар ва қирғизлар, украинлар ва яхудийлар, арманлар ва корейлар, Ўзбекистон Республикасида яшовчи барча халқлар!

Иқтисодий ва ижтимоий бекарорликнинг мада шу ташвишли даврида, тез ўтиб кетувчи сиёсий ўзгаришлар юз бераётган пайтда кўнчилигимизнинг кўнглимиз безовта. Аммо бизн ҳар бир хонадонда тинчлик ва хотиржамликни, фарзандларимиз ва набираларимизнинг бахти ва келажакини қандай қилиб таъминлаш масаласи ҳаммадан кўра кўпроқ ташвишланармоқда. Ҳозир сиёсий баҳо, баҳс-тортишувлар авжига чиқиб турган пайтда, одамларнинг турмуши, уларнинг меҳнати, кайфияти, истироҳатини ўйлашга вақт топилмаётганига ўхшайди. Биз табассумни унутиб қўймоқдамиз. Лекин кишилар қалбини ярашлани, уларнинг манфаатларини бир-бирига тўқнаштиришнинг яхши ўрғаниб олди. Бунинг учун барча дастаклардан, жумладан миллатлараро муносабатлардан фойдаланишимиз керак.

Биз кўп миллатли республикада истижодат қиламиз. Бу ерда фақат ўн йилликлар мобайнидагина эмас, балки асрлар давомида қўлаб-миyllаб ва элатларнинг ҳаёти ва тақдири узвий чагириш кетган. Рус тилида сузлашувчи кишиларнинг кўпчилиги қисми Ўзбекистонда тузилган ва вояга етган. Бу диярда уларнинг фарзандлари ва набиралари яшамоқдалар. Уларнинг Ўзбекистонда қолгани, гуллаб-яшнаши ва бахт-содавати уларнинг ҳам тақдирига дахлдор. Биз ўзининг юртимиз билан бир-биримизга ҳамдард, ҳамкор ва ҳамлаёт бўлиб кетганимиз. Уруш ва вайронгарчилик азоб-уқубатларини бошимиздан кечирдик. Ўзаро ҳамкорликда меҳнат қилиб республиканимизни оёққа тургадмиз. Умуман олганда эса минглаб олдий инсоний ва ҳаётини ришталар билан чагириш кетганми.

Бизнинг республикамиздаги миллатлараро муносабатлар инсоният барқарорлиғи билан барча олдий меҳнат кишиларини хурсанд қиломқда. Биз республика Президентининг давлат мустақиллиги ва суверенитетини шаронлариди ҳам қардошларча яхши кўнчилилик, Ўзбекистондаги барча халқлар ўртасидаги мустахкам ҳамкорлик сиёсати сўзсиз давом эттирилади.

деган баёнотида зўр қониқчи билан кутиб олди. Имомиз қониқчи, мустақиллик ва озодликдан, энг аввало, кўп миллатли ва кўп тили республикамизда яшовчи барча халқлар бахт-саодати йўлида фойдаланилади.

Миллатлараро муносабатлар — инсоният ҳаётининг энг юзаси, ўта таъсирчан жиҳатларидан биридир. Эҳтиётсизлик билан айрилган битта суз, ўйлашмасдан қилинган кичик имошиора ҳам, айниқса, ҳаётда киши кўнглини вайрон қилиши, ҳурматсизлик ва шубҳа-ғумон уйғотиши мумкин. Бизнинг ҳар биримиз ўзоқ йиллар мобайнида ўзбек халқининг меҳр-мухаббатига тўла соҳовати ва олижаноблигини баҳраманд бўлдик, ундай фазилатлар бошқа халқларга ҳам тааллуқлидир.

Бироқ, буларнинг ҳаммаси кимларгадир ёқмайпти, ташбир жоиз бўлса, будан иңқирога кишилар у ёки бу миллат орасига душманлик, ишонсизлик ва безовталик уруғини сочмоқдалар. Узоқ наваб кутутишлар, нарх-навоини қимматлашуви ва эртанги кунга ишонсизлик туфайли инҳоятда қийнаётган ҳозирги кунларда буни амалга ошириш осон. Шуниси ҳам сир эмаски, у ёки бу пешволарнинг ҳамда сийасатдонларнинг мулоҳазаси энг шошқалоқлик билан айтан ҳар бир суз ҳам миллатлар ўртасидаги муносабатларнинг ёмонлашишига сабаб бўлиши мумкин. Сиёсий донолик ва ваиминлик етишмаётганлиги, айрим шахсларнинг нафсониятга берилмаётганлиги туфайли мамлакатнинг бир қанча минтақаларида олдий ки-

шилар қони тўкилаётгани фикримизга ёркин далиллар.

Юртдошлар! Акалар ва укалар, опадар ва сингиллар! Ўзбек халқи ўз тарихида жуда кўп-кўп буюк ишларни амалга оширган, улуг алломаларин дунёга ҳада этган. Шун билан бирга аянчагина оғир ва мураккаб муаммолар ҳам йилгилб қолган. Орол ва Чернобыль фожиалари, республикалар, жумладан, Ўзбекистонимиз иқтисодийнинг бир томонлама ривожлангани, Сталин қатағонларининг ҳамда сийасат ва ижтимоий ҳаётда билар-билмас қўйилган қадамларнинг оқибатлари ҳамда бошқа муаммолар-чи? Мана шу муаммалардан бизнинг ҳаммамиз — туб халқлар ҳам, нотуб халқлар ҳам азият кечинди. Лекин ўтмишдаги хатолар, нуқсонлар ва ҳатто жиноятлар кўлами нақадар катта бўлмасин, одамларда ҳамма вақт ақл-идрок ҳукмронлик қилиши, ҳозирги кунимизда ижтимоий ва келажакни таъминлаш тўғрисида ўйлаш лозим.

Ана ўшандагина неварларимиз ва аввалларимиз биз ҳақимизда яхши фикрда бўладилар, тарихнинг энг машаққатли босқинида донолик ва ваиминлик кўрсатганимизнинг қадрига етдилар. Бунинг учун бизларни чуқур миннатдорчилик ва меҳр-мухаббат билан эслаб юришларига имомини қоям.

Ҳам қатта, ҳам кичик халқларнинг буюк аждодлари одамларни эзгулини ва тинччилик, донолик ва ваиминликка, хотиржамлик ва тартибга даъват этганлар. Улар инсон ўз иши

бўдилар. Омон қолдиларгина эмас, балки иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан яна қаддирларини ростилаб олдилар ва ўзини ҳаётга эришдилар. Буни унутиб бўладими? Ўзбек халқининг инсоний меҳр-шафқатига ва маънавий баркамоллигига оид бундай мисоллар сон-сановсан.

Келинлар, ҳар бир халқнинг инсонпарварлигини, энг яхши аъёнларини ва урф-одатларини ҳурмат қилайлик. Бошқа халқларнинг ҳуқуқларига чағ солган ёки уларнинг маданияти ва аъёнларига нафрат билан қарайдиган халқ ҳеч қачон бахтиёр ва эркин бўлолмайди. Тарих бундай халққа нисбатан ўзининг аёвсиз ҳукмига аллақачон қиёрат қўйган. Ўзбекистонда яшовчи барча кишиларга бу ерда ёр ҳам, ҳарорат ҳам етарлидир.

Паспортидаги миллатимиз нима деб ёзилганда катта назар, ҳаммамизнинг Ватанимиз битта. Кўнгиша ўзаро бир-биримизни тушунамаслик, финр-мулоҳазалардаги шошқалоқлик, айрим шахсларнинг галлимчилиги ва ёвуз иғворларини туфайли пайдо бўладиган вақтинчилик ўзаро гина-қудуратларга биргаликдаги куч-ғайратимиз, ақл-идрокимиз ва ваиминчилигимиз билан барҳам берайлик. Тинчликни ва товуликни биргаликда интийсакимиз, фидокорона меҳнат қилсакимиз тўқис ҳаётга эриша оламиз.

Ҳақиқий ватанпарварлик байналмиллатликдан айрича эмаслигини ва фақат яхши қўнлилар ёрдамида ҳар бир халқ ўз маданиятини, тилини, урф-одатларини сақлаб қолиш ва ривожлантири олишини, қадр-қиммат топишини ҳамма оёда тутаёлик. Ўзга бахт ато эта олган кишигини чинакамгина бахтли бўла олиши мумкинлигини унутманг.

Шундай экан, инсон деган номимизга муносиб бўлайлик. Табассум билан бир-биримизга қўл берайлик. Ўзбекистон республикаси — бизнинг ягона Ватанимиз ва умумий хонадонимиздир. Ундаги ҳарорат, тинчлик ва хотиржамликни сақлаб қолайлик.

ТОШКЕНТДАГИ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ОЛИЙ ТАЪЛИМГОҲИНИНГ ЖАМОАСИ.

Миртемир таваллудининг 80 йиллигига

ЮРТИН МАДДИ БЎЛДИ СЎНГГИ САТРИ ҲАМ

МИРТЕМИР.

УНУТИЛМАС САТРАЛАР

Қўшиқларим...

Қўшиқларим, сиз учун ҳикоятлик эмасман, Сиз ўтган йўлларимсиз, кечган даррларимсиз, Сизни мен олтинга ҳам, қумушга ҳам бермасман, Сиз менинг тансиқ газнам, эзгу дунларимсиз.

БЕТОВАГИМДА

Мажнунтол тағига ўтқазинг мени, Қоврилмай то гашик алагасида, Мажнунтол тағига ўтқазинг мени, Нафасимни ростлай кўланкисида.

Ҳаёл оғушида ором олайин. Мажнунтол тағига ўтқазинг мени, Шу кунгача ўзини мен чеклаб бўлдим.

ЧАҚМОҚ

Кўзим кўзингга тушди, чақмоқ қаққандек бўлди, Учқунни дилга қўниб, олов ёққандек бўлди. Кўзим кўзингга тушди, яқрираб кетди кўзим,



Бу тонг устоз Миртемир ака шеърлар китобини яна бир бор варақлаб, таниш саҳифаларини яна кўздан кечириб, ўгли-самийини мисраларни яна бир бор юракдан севиб тактирлаб, шoirнинг ёркин сиймосини кўз олдидагача келтирдим.

Шоирнинг катта шoirиати мағзида жумхуриятимиз билан, халқимиз тарихи, бугуни, келажоғи билан фахрлиниш туйғуси барқ уриб туради.

Қалбим, меҳрим, муҳрим давлатим, Ардоқлигим, кўрим, савлигим... Боғу роғим, тугторим, Кўргошимни, таги кўл тиллам, деб диёримиз бойликларидан

варнинг фашизм билан юзмаюз келгандаги мардлигидан хикоя қилувчи бу шеър ўта ҳаётий бўёқларда, аниқ ҳолат ва манзараларда, гоёт таъсирчан, қатъий шакл асосида битилган эдики, у мени тамомила мафтун этган. Балки, шундан кейин мен ўша шеърни то ҳануз бошидан-охиригача ёдан ўқий оламан.

Шоир катта ҳаёт йўлини босиб ўтди. Кўп қийин, маънавий мураккаб даврларни бошидан кечирди. Адолатсизлик нима эканини ўз ҳаёти тилида билган. Унинг шеърларида мана шу йўлни ифода қилган. Лекин ўз халқи бахтини ўйлаган шоир ўз шеърининг бош йўли қилиб ана шу мавзунини танлади.

Мен Миртемир ака билан «Ўзбекистон овози» («Совет Ўзбекистони») рўнома-сида ишлаган йилларидан айниқасан қандайдир бирларамдир. У киши рўнома-нинг хурматли, доимий муаллифларидан эди. Ҳар бир шеър-деб диёримиз бойликларида

УСТОДНИ ЭСЛАБ

Фахрларан экан, бу бойлик, бу гузаликларининг барчаси ҳам халқимизга буюрмаслигини шоир сезар эди, шу бондан кўшқин мисралар аллақандай қимтиниш ҳиссидан ҳоли эмас...

Миртемир ака бизга бой, ўлмас, ўзига хос шеърят қолдириди. Бу шеърят рангоранг туйғулар, жозибали тасвирлар, инсон тақдирини ҳақиқатдан тилдан тилга олиб боради.

Мен сени инжиклимаман, Ва, лекин тинчлтимаман, деб бошланувчи, қўшиқ бўлиб кетган шеърини бир эсланг. Қанча самимиёт, қанча дорд, қанча гузалик бор, унинг ҳар бир байтида. Чуқур сеvgи, ёғор интилиш, илтижо, садоқат ўқувчинини ларзага солади.

Бу урнда шоирнинг кенг кайроғли, серкира инқобидоғи олд киши нуқтанинг таълим олами, холос. Уларнинг барчаси ҳақиқатда фикр юритиш қисмини, албатта. Лекин Миртемирнинг «Олеғ ва ўртоқлари» деган катта бир ҳажмида бир шеърини борки, уни уч ашқимда илк бор ўқиганимда, ёқ, қўшиқимга нақш бўлиб қолган. Бир неча ёш ватанпар-

Тўғрими-нотўғрими баъзан шундай фикрни минг таассуф билан ҳавфдан ўтказаман: мана бундай улкан шоир ўз иккунини турли-туман тарихима лик чекланган бағишлош шеърлар икканжасида сезмай, Мустанқиликнинг, Ҳақиқатнинг эркин йўлидан борганида қандайдир қандайдур дурдоналар деб бериши мумкин эди.

Лекин, барибир, устод Миртемир ака катта, салмоқли, мароқли бадий мерос қолдириди. Бу ҳақиқатда барҳаёт шеърят. Ахир, иждоқларнинг каттиқ-қиммати улар ёзган асарларнинг сони, миқдори билан эмас, балки, улар айтаган, ёзган асарлардаги салмоқли маъно, бадий наҳш-фиётлар билан ўлчанади.

Миртемир шеърини ана шундай ўлмас сарчасмалардан.

ТАЪЗИМ

Кўп ичкиб келдим қабрингга, Яқин тўтиб руҳинг қалбимга, Сариқ гўлни севадсинг, Гўл келтирдим қин-қизил қийғос. «Бошганинги кўтар, қонқинди!» Янги шеъринг жуда соғиндик. Уғлим, дердинг бизларин, Насихатинг бақардим оё-оё.

ИЛМИЙ АНЖУМАН

Шеърларимда жипла қислин замонга, Юртим мадди бўлсин сўнгги сатрим ҳам...

Бунини ўлмас шоир таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Фанлар ака-демиясининг Алишер Навоий номидаги Адабиёт институти уюштирган илмий анжуман яна бир бор ёркин намоийиш этди. Унда сузга чиққан Ўзе-

ЗУККО ШОИР ВА ДИЛКАШ ИНСОН

Миртемир ҳақида ўйлаш ва унинг муборак хотирасини ёдга олиш ҳам қувончли, ҳам қайғулидир. Шунинг учун кўп вақтлар, Миртемир улкан шоир, жонажон дўст, тенги йўқ дилкаш инсон эди; шунинг учун қайғулики, қалбимизга жуда қаттиқ таъсир қилган бу кулфат ҳали унутилган эмас.

Миртемир деганда кўзларим ўнгиде олижаноаб, тавозели, изақотли, ҳар томонлама маданий, самийин бир шахс таваланади.

Шоирнинг қаламга олганлари, ёзган асарлари унинг қалбидини софлигидан, халққа, Ватанга, дўстликка, қардошлиққа ҳодиса садоқатдан тугилган унган шеър дурдоналаридир.

Миртемир деганда дунё мумтоз шеърятининг, ўз миллий шеърятимизнинг улкан хазинасида ва халқ шеъри дурдоналаридан чуқур ҳаёбдор бўлган ва шулар ила қанот қоқиб, юксак парвоз қилган бир шоир кўз ўнгимизга келад.

Миртемир шундай шоирларданми, унинг шеърятининг шўхрати халқ шўхратини ортиради, унинг иждоқи халқининг ифтихор қилишига асос беради.

Жамиятимиз ўз тарихининг янги босқичига ўта бошлаган бугунги айёмда нафақат аксар сиёсий ақидалар, балки, кўпгина бадий қадриятлар ҳам ўз оҳорини кўз олдимизда тўкиб бормоқда. Адабиётимизнинг ханузга қадар кўрки бўлиб туюлган қанчадан-қанча асарлар, иждоқлари бадий жозибадан маҳрум бўлгани учун талайгина ёзувчилар ҳам тарих қабрида қолди. Ана шундай адабий тағтиш кетаётган ҳозирги жараёнда фақат чин истеъдод соҳибларинга эмас, балки ўз истеъдодларидан олтин гўл ундирган ёзувчиларинга адабиёт тарихида қолади ва келгуси авлодлар билан мулоқотда бўлади.

XX аср ўзбек адабиётининг кўркем ва ўзинга хос сиймоларидан бири Миртемир ана шундай ёзувчилар қавмига мансуб. Ҳар бир даракт қаерда кўкарган ва қайси тупроқдан озиқ олган бўлса, шу ернинг ҳосилларини ўзида элтиди. Ҳазрат Аҳмад Ясавийнинг руҳи барҳаёт Ватан — кўҳна Туркистон тупроғида, ўзбек ва қозоқ халқлари аҳли она бўлиб яшаётган маснадда туғилган Миртемир ҳам шу муқаддас заминдан кўч ва маддат олган шоир эди. У ўзининг бутун иждоқи давомида ана шу заминга, унга ҳаёт ва қанот берган ана шу кўҳна тупроққа, аждодлар руҳига содиқ қолди.

Миртемир ўзи мансуб бўлган Иқон қиллоғининг шеvasи тўғрисида сузлаб, «Тилимиз дағалроқ, лекин жуда бой, оҳори тўқилмаган эртақ, достон, кўшиқ кўп», деган ва болалигида ашитган кўҳна қўшиқлардан бундай сатрларини келтирган эди:

Қаршидан қор бўрайди, бунда қиров, Ақлим билан ҳўшимни олди биров, Ақлим билан ҳўшимни олса биров, Етса молим, етмаса бошим гаров. Буюк-буюк талада кўбш ўлтирар, Йўқликни бошимга кулфат келтирар. Йўқ бўлиб иту қўшга хор бўлгунча Тоғдаги арслон бўлай то ўлгунча...

Узоқ давр мобайнида иқонликлар қуйлаб келган бундай қўшиқлар Миртемирда шоирна шувар ва шеърый иқтидорининг пайдо бўлишига туртки берган бўлса ажаб эмас. Миртемир гарчанд инқилобий йиллар тақозоси билан ёзилган ва «Шуъладор қўйида» номли илк шеърлар тўпламини ташкил этган соҳмаларида бошда бир қиёфада намоён бўлган эса-да, иқидий камолот сари кўтарила борар экан, унинг вужудига, қонига, юрагига сўт билан кирган ана шу халқона оҳанг, халқ дилининг нолалари, халқ қалбидини наволаридан кўпроқ озик ола бошлади. Унинг энг халқчил шоир сифатидаги сирри ҳам ана шу халқ иждоқи чашмасига яқинлиги, оддий халқ турмуши билан чамбарчас боғлиқлигидир.

Миртемир шеърини мавзу жиҳатидан гоёт бой ва ранг-баранг. Шоир ўзи гувухо бўлган ҳаётий воқеаларнинг ҳолис йилномачеси ва кўйини бўлган. Аммо, назаримда унинг «Ленин жилмайиши» туркумига кирган ё совет даврининг ўткинчи кишилари ва воқеаларини тасвирлаган шеърлари эмас, балки, мангу маънавий қадриятлар тасвирига бағишланган, халқ дарди билан йўғрилган, халқ қалбидини аламли, муси батли наволарини қуйлаган, оғир тарихий дақиқаларда унга куч-қувват ва илҳом берган асарларини тарих галвирига қолади. Бундай асарлар ҳақда Миртемир иқидоғида оз эмас.

Адабиёт муаррихлари аксар шоирлар иқидоғини турли даврларга бўлиб ўрганадилар. Агар Миртемир иқидоғини яхлит адабий ҳодиса сифатида кузатдиган бўлсак, у ҳам турли босқичлардан иборат эканлиги маълум бўлади. Шоир ўз иқидоғининг дастлабки босқичида, бошқа қаламқаш дўстлари сингари, ҳаётини бироз юзакли тасвирлаб, замондошларини социалшига, қириқлиш жабаҳаларида фаоллик кўрсатишга, фирдоқона меҳнатга даъват этган, ҳайриятлар ва хитобларга катта ўрин ажратган бўлса, иқидоғининг иккинчи палласи янгилашгани сайин ҳаётий жараёларни бадий таҳлил эттиш, лирик қаҳрамон образи орқали замондошларининг руҳий бойлиги ва маънавий муаммоларининг тирақи этиш ва акс эттириш йўлларида кўпроқ ахтарди. Бу майлар шоир иқидоғининг 60-йиллар арафасида бошланган иккинчи босқичида айниқасан гўзал самаралар берди. Миртемир худди шу даврда ўзбек шеърятининг уфқларини кенгайтирган, чин маънода бадий нафсийёт бўла олган лирик дурдоналарини яратди.

Уватда чўчўма, чўнқирда қоқи, Арққ бўйлариде тўшбуў тўп яллис. Она табиятда ҳар зарра — боқий, Она табиятга қойилман ёлғиз.

Шуҳринларда кўбш шўху жилвагар, Қўшлар навосида жаранглир армон. Сададан нарироқ бир асов дилбар, Қарашлари ханжар каби беомон.

Ирсон қанчалик ақлий балоғатда кўтарилгани сайин табиятдаги барқамоллиқини, буюм ва ҳодисаларнинг бири-бири билан узвий алоқада эканлигини ва ундаги барча нараса ирсон учун, унинг моддий ва маънавий эҳтиёжи учун яратилганини шўнчалик теран ҳис этиб, ҳайратга тушади. Миртемир ҳам табииятнинг идрок ва таъсир этишда ҳайратомуз имкониятларга эга эканлигини намоийиш этган. Аммо у шоир сифатида биринчи навбатда шу табиият эмас, балки, унинг ажиб неъматларидан бири бўлган инсонни, унинг қалби, туйғулари ва интилишларидеги буюк қудратини кўриш ва кўрсатишга аришган. Биз «Сурат» қиссасидаги ва бошқа қатор шеърларидеги лирик қаҳрамон образи, шунингдек, «Тошбу», «Норбуви», «Паттининг ҳасратлари» асарларидеги эпик унсурлардан

кон ўлкада бундай кишиларнинг бўлмаслиги мумкин эмас, албатта. Миртемир ўзининг қадимий тарихига эга, маданий бойликлари бисёр бўлган, Тошбу сингари жароқаш ва тошдан гўл ундирувчи фарзандлар ози бўлмаган юртни севиб, кўларга кўтарган, бу юртда туғилгандан хамиша фаҳр ҳисси билан шеърлар ёзган. Бундай шеърларнинг ҳар бири хужайрасида шoirнинг она диёрға бўлган меҳр-муҳаббатига мангу олов ўлароқ балқиб туради:

Бу — мен ўмр кўрган тупроқ, мен бобо бўлган тупроқ, Сув бўйлари гўзторлар чўзилмиш йироқ-йироқ. Ипак ҳам, бол ҳам бунда, мармар ҳам, олтин ҳам мўл, Кўмир ҳам, шароб ҳам бор, гуруч садаф мисол оқ.

Бир аскардай чўк тушиб, пешонамин қўяман, Фидойиман, шайдоман, ўпиб-ўпиб тўяман...

Бугун Миртемир бутун юраги билан севган, ипак ҳам, боли ҳам, мармари ҳам, олтини ҳам ҳисобсиз узабди дўғри ўз тарихининг мустанқиллик деб атаган янги бир босқичига қаддам қўйди. Ана шундай тарихнинг масъулияти билан бир палласида Миртемир ўз шеърлари билан ўз бойлиқларини билан бой ва фаровон жумҳуриятга айландини мумкин бўлган учун ҳам ма шару шароит муҳайб, энг муҳими, Тошбу, Норбуви, Паттеда, Ватан уруши йилларида ўз қонлари билан советлар мамлакатини душмандан сақлаб қолган жангчилардек азамат кишилар бор, дегандек бўлади. Шоирнинг бу овози унинг асарларини кўпроқ ўқиганимиз сайин тобора янгроқ садо бўлиб өшнатилади.

Шундай кишилар бўладими, улар ўзлари таълаган касб-ҳунарнинг жонли тимсоли бўлиб яшайдилар. Шу маънода шеърят Миртемирнинг яшаш тарзи, замондошлар билангина эмас, келажак авлодлар билан ҳам сузлаша олувчи тили эди. Лекин у шеърят тилисининг қанчалик мукаммал эгалдари бўлмасин, чамаси ўз юрағидеги кўп гапларни айта олмади. Эҳтимол, шунинг учун бўлса керак, у бир шеърда: «Ҳақдиринга қеч ҳам ўпка қилмайман, қўлимдан келмайди, деган пеша ҳам. Ваъдан қўларимда томчи-томчи ман...» Хануз шеър ёзишини билмайман», деб ҳўрсинган эди. Бу, шoirнинг сохта камтарлиғи эмас, балки, шеърини камолотнинг ҳекасийлиғини ҳис қилган, шеърятнинг уфқсиз имкониятлари олдида лол қолган шoirнинг илҳоми дили бўлса, ажаб эмас.

Айтишларинча, қунларнинг биринда Ойбекнинг йлтимоси билан Миртемирнинг янги китобини ўқиб берганлариде, машҳур замондошимиз ўзинга ҳамнафас бўлган иждоқларини қадар юксак маҳорат даражасига эришганини кўриб, «Миртемир улуг шоир экан. Афсуслик, унинг янада баланд парвоз қилишни учун имкон беришмайди», деб ўйсинган ва унга мислсиз даражада юқори баҳо берган экан.

Миртемир бундай баҳога муносиб иждоқдор эди. У шеърятини хамиша муқаддас даргоҳ деб билди. Бу улуг даргоҳ Навоий ва Фўзулий, Гўте ва Байрон, Пушкин ва Мицкевич илҳомлари билан мунавар бўлгани учун шу улуг ва ўлмас шoirларга муносиб шоғирд даражасида қолишига уринди. У бир шеърда ўзининг шеърятга бўлган муқаддас туйғуларини наҳор этиб, ёдди:

Қаббасан, Шеърят, эзгу эҳромим, Оғу ҳам бол тўпа бебаҳо жомим. Амақим ва ишқим, умиду армон, Улкусиз тунларим, жиндақ илҳомим. Керакмас инжу ҳам, сенсиз, ҳақиқ ҳам, Керакмас шаддоқ ҳам сенсиз, дақиқ ҳам, Ҳаёт ҳам мен учун сенсиз бемаъим. Шэвс ўтмасин-да ҳатто дақиқим.

«КАЪБАМАН, ШЕЪРИЯТ»

Ҳали бўлмаган образларда ана шундай гаройиб кишиларни кўраемиз. Бу миртемирна қаҳрамонларнинг қарийб барчасини бирлаштириб турувчи таълиғат—садоқатдир. Шоир улардаги садоқат туйғуларини, бу туйғуларнинг ўлимларини ҳам енга олувчи кучини тасвирлар экан, садоқат фақат ёрга бўлган туйғу эмас, балки, эътиқод олдидаги, аждодлар руҳи, она халқ ва юрт олдидаги бурч ҳам эканлигини таъкидлайди.

Мана, шу силсиладаги қаҳрамонлардан бири. Тошбу исми ёш жувонининг ёри урушга кетгач, бурмалик қўйлак ҳам, сирағлар ҳам сандиқча тушган; унинг ўзи эса ўзи жувонга бош бўлиб, далада манглик терини тўқади. Тоден бор экан, севган ёри мажрўҳ ҳолатда бўлса-да, қайтган.

Бу ёрғу жаҳонни афсонавий наҳанглар эмас, ана шундай буюк иродали, ҳамма бало-қазоларини енгиб ўтувчи кишилар ушлаб туради. Миртемир Тошбу сингари ўз юрағида Тўмарийседек жанговар ва фидокор қаҳрамонларнинг сўнмас ва тинмас қонини элгүвчи аюбой аёллар образини яратар экан. Достоевский сингари, бу дунёни гузалик эмас, балки, садоқат ва фидокорлик сақлаб қолади, демоқчи бўлган.

Узбек юрти қадимдан аюбой фидоий ва истеъдодли кишиларга бой бўлган. Жаннатма

Наим КАРИМОВ, филология фанлари номзоди.

1991 йил—АЛИШЕР НАВОЙИЙ ЙИЛИ

Юртимизда газал мулкнинг султони, буюк мутафаккир ва давлат арбоби Алишер Навоий тавалуқининг 550 йиллигига бағишланган шеърят кечлари ва учрашулар дам этмоқда. Бу ҳақда тахририятимизга хат-хабарлар мунтазам

МУЗЕЙГА МАРҲАМАТ

Хорама вилоятининг Хонқа районидagi Навоий номида жамоа хужалигида Алишер Навоий музейи очилди. Бу эзу ишнинг ўзига ҳос тарихи бор. Бундан уч йил муқаддам жамоа хужалиги раиси У. Машарипов бошчилигида эрлик гектар ерда мевали бос барпо қилинган эди. Бог атрофи XV аср архитектурасига ҳос пахса девор билан ўралди. Ана шу бог ўртасининг 300 квадрат метр жойига Навоий музейи биносини қуришга қарор қилинди. Бу айрди иш қисқа муддатда амалга ошди. Бино 10 хона, 5 хужрадан иборат бўлиб, Шарқона услубдаги нақшлар билан беазитилган ва жиҳозланган. Хужраларга, хоналарга Урта Осиё ёғоч-ўймаккорлик санъати усулларида ишланган хонтахталар қўйилган. Веш хужра деворлари аса шoirнинг машҳур «Хамса» асарига бағишланиб, 5 дoston воқеаси асосида ишланган жиҳозлар билан тўлдирилган. Унда Мир Алишернинг 1873—1874 йилларда Хивада қўчилган «Хамса»сининг қўлемаси, шунингдек, бошқа асарларининг қўлема ва фотонускалари ҳам ўрни олган.

Тошкент. Алишер Навоий музейида. А. ГОРОКРИК олган сурат. [ЭТАГ].

келиб турибди. Улар орасида ҳатто улуг шоирга бўлган меҳр-муҳаббатни шеърй сатрларда ифодалаган ҳаваскорлар машқлари ҳам бор.

«НАФОСАТ» ТУҲФАСИ

Самарқанд шаҳридаги Файзулла Хўжаев номидаги хўжалик институтига ўтказилган назм ва наво кечаи бошқа соҳа мутахассислари ва бўлажак мутахассислари ҳам шеърятни, бадий маданиятни, унинг буюк намоёнаси бўлган Алишер Навоий ижодини қанчалик пухта билишларини, севинчларини, қадрлашларини ёрқин намойиш этди. Тантанали кечада муаллимлар улуг шоирнинг дeққонлар, меҳнат кишини ҳақида билдирган фикрлари,

Л. МАМАСОЛИЕВ.

МАРЖОНЛАР ШОДАСИ

Шеърят боғида боғбон Алишер Бўстонлар яратди — шеър, газал битди. Назмий гулдастлар халқига тудди. — Ўқиган ҳар инсон минг офарин дер.

Маржонлар шодаси — шоир ижодид. Сатрлари — гавҳар, дoна-дoна дур-Бахш этаркан қалблар кўңасига нур. Миннатдор бош эгар авлод-аждоғиди. Мирзиёб ДУСМАТОВ.



МУСТАҚИЛЛИК КУРТАКЛАРИ ШАРҚОНА ҚАДРИЯТЛАРИНИ ТИКЛАЙМИЗ

Истиқлол шабадасидан баҳраманд ўлкамиз халқлари ўзларини билиб, унланган йўлида собит қадам ташламоқда. Бой меросимизни ўрганиш, азалий қадриятларни тиклаш, янгича аёнгина ва удумларини расм қилишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Қуни ҳас Узбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ана шундай савобли ишларга сарбонлик қилишни ўз зиммасига олган кишилар тўпланди. Бу ерда жамоат бирлашмалари усталарини рўйхатга олиш тўғрисидаги аризалар кўриб чиқилганлиги маълум қилинди. Республикада янгидан тузилган бир қанча жамоат ташкилотлари, муассасалар ва уюшма раҳбарларига гувоҳномалар таънавали равишда топирилади.

Т. РАШИДОВ. Узбекистон Республикаси халқ академияси президенти:

— Узбекистонда халқ академиясининг ташкил этилиши бежиз эмас. Биз бу ҳақда кўпдан бери ўйлаб юрар эдик. Ниҳоят ўйлаган режаларимиз, ташкилий-тадбирий ишлар хусусидаги ҳужжатлар ва уставимизга мувофиқ бошланган хайрли ишларимиз ҳужжатлаштирилиб берилди. Олдимизда нег қўламли, катта қамровли ишлар турибди. Маълумки, республикамиз бой маданий меросга эга. Биз жаҳон миқёсида эфиротроф этилаётган ва қадимий шаҳарларда савлат тўкиб турган метморчилик санъати дурдоналарининг яратилиш сирларини ўрганишга ҳаракат қиламиз.

Тарихимиз саҳифаларини бойитиб турган Беруний, Фаробий, Улугбек, Ал-Хоразмий, Ибн Сино каби буюк алломалар ҳақида маълумотларни тўплаш, тарғиб-бот-ташвиқот ишларини янада яхшилаш ва халққа етказиш борасида савобли ишларни амалга ошириш мўлажалланган. Унутиб бoрилатган қадимий ҳунармандчилик ишларини янада ривожлантириш, чунончи заргарлик, чилангарлик, ўймакорлик, ганҷкорлик каби шарқона кeб эгаларининг сафини янада кенгайтиришга катта аҳамият берилди. Фан ютуқларини амалиётга ошириш йўлларини излаймиз. Бунинг учун етук мутахассисларни ишга жалб этиш кўзда тутилмоқда. Бир сўз билан айтганда бой маданий меросимизни тиклашга, маънавий қадриятларимизни олиришга эътибор қилинади.

М. МАДРАҲИМОВ. Узбекистон Республикаси ғeҳвандлиқ ва наркoбизнесга қарини кураш «Инсон» уюшмаси раиси:

— Уюшмамизни расмий равишда ҳужжатлаштириб, қўлимизга топирилиши нур устига аъло нур бўлди. Уюшмамизга «Инсон» деб ном берилиши раъзий маънога эга. Биз одамлар саломатлиги йўлларини излаймиз. Бунинг учун етук мутахассисларни ишга жалб этиш кўзда тутилмоқда. Бир сўз билан айтганда бой маданий меросимизни тиклашга, маънавий қадриятларимизни олиришга эътибор қилинади.

М. МАДРАҲИМОВ. Узбекистон Республикаси ғeҳвандлиқ ва наркoбизнесга қарини кураш «Инсон» уюшмаси раиси:

— Уюшмамизни расмий равишда ҳужжатлаштириб, қўлимизга топирилиши нур устига аъло нур бўлди. Уюшмамизга «Инсон» деб ном берилиши раъзий маънога эга. Биз одамлар саломатлиги йўлларини излаймиз. Бунинг учун етук мутахассисларни ишга жалб этиш кўзда тутилмоқда. Бир сўз билан айтганда бой маданий меросимизни тиклашга, маънавий қадриятларимизни олиришга эътибор қилинади.

Шундай қилиб, республикамизда яна бир неча уюшма, қўмига ва жамиятларнинг вужудга келгандлиги республика мустақиллиги мустаҳкамланиб бoраётганлигидан далолат берди.

Х. НОСИРОВА.

Суратда: Халқ академиясининг Президенти Т. Рашидов гувоҳномани қабул қилиб олмоқда. С. ДАВИДОВ олган сурат.

Жиззах вилоятидан хабарлар

АРНАСОЙЛИКЛАР ИВРАТИ
Сўнгги сайтларда Арнасой районининг меҳнат жамоаларида хотин-қизлар Кенгашлари сезиларли даражада ҳаракат қила бошлади.
Жамоат ташкилотларидаги уюшқоқлик, икюдий изланишнинг қўллаб-қувватлаш мақсадида халқ депутатлари район Кенгаши 10 та давлат хўжалигида ишлаб турган хотин-қизлар кенгаши расларига маош тайинлади. Улар учун хизмат хоналари, жиҳозлар ажратилди.
Яқинда районда ўтказилган хотин-қизлар кенгашларининг вилоят семинарида аёл меҳнати, турмуш ва ҳаётини муҳофазалаш борасида олиб бoрилатган тадбирлар, Узбекистон Республикаси Президентини фармонларининг қандай амалга оширилатганин хусусида батафсил сўз юритилди. Арнасойлик хотин-қизларнинг ўз турмушларини гўзал, мамнуқли уюштиришлари борасида олиб бoраётган ибратли ишлари барчага манзур бўлди.

БЕЛЛАШГАНДА
Вилоят автомобил йўллари бошқармаси кeса саба уюшмаси қўмитаси уюштирган йўлсозлар кўрник-таълимнинг сўнгги босқич байрам тусини олди.

Инсон ва қонун

УМИД БИЛАН ЯШАЙМИЗ
Мен «Узбекистон овози»нинг муқим мушаррийларидан бири сифатида сиз — мeмбoт худдиларига ягона илтимосим бор. У ҳам бўлса, қадр-қиммат, ҳақ-хуқуқимизнинг поймаол этилишига барҳам бeриш хуусидадир.
Биргина далил:
...Узбекистонлик Аҳмад-жон Однoловнинг «иши» бир неча йилдан буюн Москвада қурилди. Биз у ва унинг шериклари тақдир билан мутассия қизиқиймиз. Чунки, ҳамюртларимизга отилаётган тош биз — ўзбекларга отилаётгани билан баравар эмасми? Шунинг ўзи Иттифoқ судлов қонунларининг нақадар заийфлигини кўрсатади.
Эни...
Қаранг, сувини лoйқалаётган Гдия, Иванов каби нускалар ҳеч нарса бўлмагандай ялло қилиб юришса-ю улар қолдирган асарларга жабри ҳамон давом этaverса! Бу қандай бедодлик!
Хурматли шoirимиз Аб-

ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТИГА

ОБУНА БЎЛДИНИГИМИ?

«Узбекистон матбуоти» ойнамасига 1992 йил учун обуна давом этмоқда. Ойнама журналистлар, ноширлар, телевидение ва радио ходимлари, га, матбачиларга, ишчи-дехқон мухбирларига, китоб савдоси ва алоқа термoқларининг хизматчиларига, почтачиларга, журналистика куллетинининг талабаларига, деворий гeзeтларнинг тахир ҳайъати аъзоларига, республикамиз матбуотининг бoрча жoнқуярлари ва фаолларига мўлжалланган. Умуман, ойнама қўлига қалам олиб, икюдинг сермашақат йўлига кире бошлаган ишлар ҳақида бoрча ижодкорлар учун миниб бўлиб хизмат қилади.

Обуна баҳоси:
Бир йилга — 7 сўм 20 тишин.
Опти ойма — 3 сўм 60 тишин.
Уч ойма эса 1 сўм 80 тишиндир.

Хорижий меҳмонлар дoғримиз ҳақида

Америка Қўшма Штатлари, Германия, Афғонистон, Саудия Арабистон, Сурия, Иордания, Туркия, Австралия каби хорижий мамлакатларда яшётган ватандoшларимизнинг республикамизга ташрифи ниҳоясига еттипти. Улар ўзбеклар (туркистонликлар)нинг биринчи Тошкент халқаро учрашувига қатнашиш учун дoғримизга келган эдилар. «Эл» халқаро уюшмасининг ташаббуси билан ташкил этилган бу учрашувнинг бoрча иштирокчиларига унутилмас таассурот қолдириди.

Юртдошларимиз Самарқанд, Бухородек қадимий шаҳарларимизда бўлиб, уларнинг бeтaқор оидаларини кўздан кeчирдилар. Тошкентнинг саноат корxonаларида аса меҳмонлар меҳнаткашлар билан қизиғ суҳбатлашдилар.

Узбек халқининг буюк шoirи ва мутафаккири Мир Алишер Навоийнинг 550 йиллик тўғи таъаналарида, Тошкентда Навоий боғи ва хайкалининг очилиши юртдошларимизда, айниқса, унутилмас хотира қолдириди.

Афғонистон Ҷумҳурияти Маориф вазирилик Узбек тили ва адабиёти бўлимининг бошиги Ашраф Азия-

кирилган қалб зафар билан чин қўлбидан таъриқлайман. Бу йўлда сизларга бирдамлик ва янгидан-янги муваффақиятлар тилайман. Икючим қувончим шулки, машҳур ўзбек шoirи Мир Алишер Навоийнинг 550 йиллик тўғи таъаналарида
Мен бундан роппа-роса ўн йил оидин ҳам Тошкентда бўлган эдим. Уни тинчлик ва дўстлик шаҳри деб бежиз айтишмайди. Эндиликда бизнинг бу дўстлигини янгича шакл ва янгича мазмун кeб этмоқда, ҳамкорлигимиз кeнгаймоқда. Ишончим комлики, бундай учрашувлар, ташриқлар Узбекистон билан ниҳисодий, маданий ва дўстлик алоқаларини янада ривожлантиришга, умуминсоний мансадар йўлида бирлашишга хизмат қилади.
Биз ҳамиша сиз билан биргамиз, азия дўстлар!
Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎЗАГ мухбири.

«СЕН БИЛАН БИРГАМИЗ»
АШРАФ АЗИМИЙ:
«СЕН БИЛАН БИРГАМИЗ»
Мен ватандoшларим билан бирга бутун дунёга доғи кетган қадимий Бухоро ва Самарқанд шаҳарларига сафар қилдим. У ерлардаги минг йиллик ноёб тарихий қатнашиш шарафига муясар бўлдим.
Мен ватандoшларим билан бирга бутун дунёга доғи кетган қадимий Бухоро ва Самарқанд шаҳарларига сафар қилдим. У ерлардаги минг йиллик ноёб тарихий қатнашиш шарафига муясар бўлдим.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА РУС ТИЛИ ВА АДАБИЕТИ ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ 1991 ЙИЛГА
ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда ўшиш учун
қўидаги ИХТИСОСЛАР БУЙИЧА АСПИРАНТУРАГА
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
Миллий мактабларда рус тилини ўқитиш услубиети, миллий мактабларда рус адабиётини ўқитиш услубиети, рус тили, СССР халқлари адабиёти (совет даври), АСПИРАНТУРАГА КИРИВЧИЛАР МАХСУС ФАНЛАР, ФАЛСАФА ҲАМДА ЧЕТ ТИЛЛАРНИНГ БИРИДАН ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ УЧУН АМАЛДАГИ ДАСТУР ҲАЖМИДА ТАНЛОВЛИ КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИНИ ТОПИРАДИЛАР.

Узқоопзаготторг бошқаруви ва кeсаба уюшмаси бошқаруви раисининг муовини Э. Қ. Курбoновга анос
Йўлдош Қурбoнович ҚУРБОНОВ
вафот этганлиги муносабати билан чукур таъзия ихзор қилади.
Тошкент Молия олий билимгоҳи жамоаси «Бухгалтерия ҳисоби, назорат ва тафтиш» кафедрасининг доценти О. Х. Холматовга анос
Илодат САИДОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чукур таъзия ихзор қилади.
Тошкент Давлат аграр дoрилуғуни ректорати ва жамоаси сeбсий тарих ва Узебекистон халқлари тарихи кафедраси доценти И. А. Солнеевага анос
Зeбинисо ВАКИЛОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чукур таъзия ихзор қилади.
Узбекистон Вастақорлар уюшмаси бошқаруви Республика музика жамагармаси ва жамоатчилик ташкилотлари бeтaқор, Узебекистон Вастақорлар уюшмасининг аъзoси А. Эргашевга анос
Азизахон ЭРГАШЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан чукур таъзия ихзор қилади.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.
БУЛИМЛАР: мушаррийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қeт кeчирш ва икютимай адолат — 33-35-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафура — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, курлиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-74-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; икюсодиния ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; ақсоброт, спорт ва харбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ақсо-одеб — 32-54-29; фeлетонлар — 32-54-27; Базаитиш — 32-57-22.
ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андиқонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12 Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчида — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.